



СИЁСИЙ ПУЛЬС

ИСЛОҲОТЛАР ОДАМЛАР ҲАЁТИДА АНИҚ НАТИЖА БЕРИШИ КЕРАК



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш» йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва «Ўзбекистон-2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Минимал яшаш шароитига эга бўлмаган одамнинг энг асосий табиийки, қора қозонни қайнатиш, рўзғор кам-кўстига чора топиш, фарзанди ёки бошқа бир яқини бетобланса, унга дори-дармон олиш ва шу кабилар... Мана шундай кайфиятдаги инсонларнинг кўплиги давлат ва жамият учун оғриқли. Аксинча, уларнинг сони қисқариб бориши ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ва ижтимоий барқарорлик тамойилларининг кенг

кўламли ислохотларда амалий тасдиғи топаётганини исботлайди.

Аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, даромадлар ва яшаш тарзида кескин тафовутларнинг, тенгсизликнинг олдини олиш, аввало, ишсизликни, унинг ортидан соядек эргашувчи камбағалликни камайтириш чора-тадбирларини жадаллаштиришни тақозо этади. Бинобарин, дунё миқёсидаги иқтисодий бўҳронлар, геосиёсий майдондаги таҳдидлар, халқаро савдо занжирларидаги узилишлар тобора жиддий тус олаётган бир даврда бу масала янада долзарб бўлган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ўтган ойда эълон қилган

ҳисоботида кўра, 2026 йилда глобал ишсизлик даражаси 4,9 фоизни, яъни 186 миллион кишини ташкил этади. Бундан ҳам кўпроқ одамларни муқим ва даромадли иш топиш ташвиши қийнамоқда. "Юз миллионлаб ишчилар қашшоқлик, норасмий бандлик ва ижтимоий ҳимоядан четда қолиш муаммоси билан яшамоқда", дейди ХМТ Бош директори Жилбер Унгбо. Айниқса, ёшлар учун вазият янада хавотирли. Ҳисоботда келтирилишича, жаҳон миқёсида 260 миллион атрофидаги йигит-қизларнинг сифатли таълим олиш ва меҳнат ҳуқуқлари амалда таъминланмаган.

► (Давоми 3-бетда)



ЁШЛАР — ПАРЛАМЕНТДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоларининг олий ва касбий таълим ташкилотлари талаба-ёшлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабалари ҳамда Тошкент давлат аграр университетининг академик лицейи ўқувчилари қатнашди. Очiq мулоқот шаклида ташкил этилган учрашувда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари, мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

► (Давоми 2-бетда)

САРҲИСОБ

АТРОФ-МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ МЕХАНИЗМИ

Глобаллашув жараёнларида иқтисодий ўсиш, технологиялар трансфери ва инвестиция фаоллигининг жадаллашуви, афсуски, экологик инқирозларни кучайтирмоқда. Мана шундай шароитда мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва келажақ авлодлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу нуқтаи назардан, давлат экологик экспертизаси экологик барқарорликни таъминлашда муҳим институционал механизм ҳисобланади.



ЯЛПИ МАЖЛИС

Маҳаллий Кенгаш раиси ўринбосари ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибига кўра, дастлаб рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар масофавий солиқ текшируви жараёнларини тезкор

ташкил этиш, солиқ тўловчи ҳузурига бормасдан назоратни амалга ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ортиқча аралашувларнинг олдини олишга қаратилган.

► (Давоми 2-бетда)

МЕНДА ТАКЛИФ БОР



ЁМғир суви — тежамкорлик манбаи

Кўпчилигимиз ёмғир ёққанда уни оддий табиат ҳодисаси сифатида қабул қиламиз. Лекин аслида ёмғир қимматли ресурсдир. Уни тўғри бошқара олсак, шаҳарларимиз янада яшил, барқарор ва сувга камроқ муҳтож бўлиши мумкин. Чунки у табиатнинг ўзи томонидан бериладиган, деярли ҳеч қандай харажат талаб қилмайдиган бебаҳо манба. Аслида эса кўп ҳолларда ёмғир суви эътиборсизлик сабаб увол бўлмоқда...

► (Давоми 4-бетда)

“АҚЛЛИ ШАҲАР”

фақат технология эмас,
қулайлик ва ғамхўрликдир



Тараққиёт тезлашиб, дунё жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Шаҳарлар ҳам тобора шунга яраша қиёфа касб этмоқда. Маълумотларга кўра, бугун дунё аҳолисининг ярмидан ортиғи шаҳарларда яшайди. Мутахассислар фикрича, келажақда бу кўрсаткич янада ошади. Шу сабабли шаҳарларни самарали бошқариш, атроф-муҳитни асраш ва инсон учун қулай шароит яратиш долзарб масалага айланмоқда. Ана шу эҳтиёж “ақлли шаҳар” ғоясини юзага келтирди.

Хўш, бу қандай шаҳар ўзи? У оддий шаҳарлардан нимаси билан фарқ қилади? Нега бизга ақлли шаҳар керак? Мақоламизда ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

► (Давоми 7-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

Маҳаллий Кенгаш раиси ўринбосари институтини жорий этиш таклиф қилинмоқда



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳаси рақамли маркировкалаш қоидаларини четлаб ўтиш орқали ноқонуний маҳсулот айланмасига қарши курашиш, сифатсиз ёки қалбаки товарларнинг бозорга кириб келишини барвақт аниқлаш ва чеклашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Бу эса фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, инсофли солиқ тўловчилар учун соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Иба НАРИЗОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Амалиётда айрим шахслар томонидан маркировкалаш қоидаларини четлаб ўтиш орқали ноқонуний даромад олиш мақсадида аҳолига сифатсиз ёки қалбаки маҳсулотларни, жумладан, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, дори воситалари, салқин ичимликлар ва бошқа товарларни реализация қилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси айнан шундай ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда инсофли солиқ тўловчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида солиқ назоратини амалга оширишда

замонавий ёндашувларни жорий этиш, ҳуқуқбузарликларни бартараф қилишга қаратилган профилактика механизмлари назарда тутилган.

Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳуфиёна айланма ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар берган таклиф ва тавсиялар ишчи гуруҳ ва қўмита аъзолари иштирокида батафсил кўриб чиқилгани, лойиҳа нормаларининг мазмуни аниқлаштирилгани, қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлаштирилгани таъкидланди.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши солиқ назоратининг замонавий механизмларини жорий этишга, рақамли инструментлар орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва иқтисодиётда очкиликни таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун

лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раиси ўринбосари институтини жорий этиш, унга бир вақтнинг ўзида Кенгаш котибияти мудир вазифасини бажариш ҳамда Кенгаш котибияти ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ваколатларини бериш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартиби лойиҳасини шакллантириш, доимий комиссиялар ишини мувофиқлаштириш ва бошқа ташкилий ваколатларга эга Кенгаш Раёсати институтини жорий этиш ва унинг иш фаолияти тартиби белгиланяпти.

Бундан ташқари, Кенгашларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш бўйича “Кенгаш соати” институтини жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этишга, жойларда Кенгашларнинг назорат фаолияти такомиллашувига хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



ЁШЛАР — ПАРЛАМЕНТДА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, Қонунчилик палатаси, сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва Ёшлар парламентининг иш фаолияти таништирилди.

Учрашувда ёшларнинг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни биринчи ва иккинчи ўқишга тайёрлаш, ялпи мажлис муҳокамаларига киритиш билан боғлиқ жараёнлар юзасидан саволларига депутатлар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

Шу куни талабалар Олий Мажлис тарихи акс этган музей, парламент кутубхонаси ҳамда қонунлар қабул қилинадиган катта мажлислар зали билан ҳам яқиндан танишди.

Парламент юқори палатаси аъзолари мунтазам равишда ёшлар билан учрашиб, уларнинг қизиқишлари, мақсадлари, Сенат фаолиятидаги янгиликлар юзасидан доимий равишда мулоқот ўтказиб келмоқда.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Тошкент гуманитар фанлар университети талабалари билан ўтказилган учрашув давомида талабаларга Сенатнинг асосий фаолият йўналишлари, парламент юқори палатасининг ваколатлари, қонун ижодкорлиги жараёнлари ҳамда қабул қилинган қонунлар ижроси устидан парламент назоратининг айрим жиҳатлари атрофлича тўшунтирилди.

Шунингдек, долзарб қонунларни қабул қилиш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш ва ижро ҳокимияти органларининг ҳисобдорлигини ошириш парламент фаолиятининг устувор вазифалари экани таъкидланди.

Учрашув якунида талабаларга Сенат қўмиталари ва девони фаолияти, шунингдек, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида маълумот берилди.

Ўз мухбиримиз



Анвар ТҲҲЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда биохилма-хилликни асраб-авайлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, уларнинг майдонини кенгайтириш ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда муҳофаза этиладиган табиий

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Экологик тоза ҳудудлар — соғлом келажак кафолати

ҳудудлар умумий майдони 6,3 миллион гектарни ташкил этиб, мамлакат ҳудудининг 14,2 фоизига тенг. Ушбу ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган умуртқали ҳайвонларнинг 83 фоизи ва ўсимликларнинг 89 фоизи учраши уларнинг нақадар муҳим экологик аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, қатор ҳудудлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, “Чотқол” давлат биосфера қўриқхонаси ҳамда “Угам-Чотқол” ва “Қуйи Амударё” давлат биосфера резерватлари ЮНЕСКО рўйхатларига киритилгани мамлакатимизнинг халқаро экологик нуфузи юксалаётганидан далолат беради. Шунингдек, “Қуйимозор” ва “Тўдакўл” сув омборлари ҳамда “Судочье” кўллар тизимининг Рамсар конвенцияси рўйхатига киритилиши сув-ботқоқлик ҳудудларини муҳофаза қилиш борасидаги саъй-

ҳаракатларимизнинг амалий натижасидир.

Бугунги глобал иқлим ўзгариши шароитида экологик барқарорликни таъминлаш, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш, атмосфера ҳавосининг мусавволигини сақлаш долзарб вазифалар қаторига кирган. Айни пайтда тоғли ҳудудларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва инвестициявий жозибдорликни ошириш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу омиллар экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш заруратини юзага келтирди.

Шу мақсадда “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунга қўшимчалар киритиш орқали янги 411- ва 412-моддалар билан “экологик тоза ҳудуд” тушунчаси ва уларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилмоқда. Унга кўра, энергия самарадорлиги юқори бўлган, чиқиндиларни

самарали бошқариш тизими жорий этилган, табиий муҳитга таъсири меъёр доирасида бўлган ҳамда бой биологик хилма-хилликка эга ҳудудлар экологик тоза ҳудуд сифатида эътироф этилади.

Қонун билан бундай ҳудудларда экологик тизим барқарорлигини бузувчи ишлар, табиий ландшафтни ўзгартирувчи фаолият, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи саноат объектилари қурилиши, шунингдек, айрим турдаги пластик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тақиқланмоқда. Оқова сувларни тозалаш иншоотлари билан жиҳозлаш, айланма сув таъминотини жорий этиш каби талаблар эса экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Энг муҳими, мазкур қонун амалдаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартирмайди, балки улар доирасида экологик тоза ҳудудларни белгилаш орқали қўшимча ҳимоя

механизмларини яратади.

Қонун табиий объектлар ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлайди. Инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларни чеклаш, “яшил” технологияларни жорий этиш ва экологик хавфсиз туризмни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.

Мазкур ҳужжат маҳаллий Кенгашлар, экспертлар ва мутахассислар иштирокида атрофлича муҳофаза қилинди ҳамда ижобий ҳулосалар олинди. Сенаторлар томонидан маъқулланган ушбу қонун барқарор тараққиёт, соғлом атроф-муҳит ва келажак авлодлар манфаатларини таъминлаш йўлидаги муҳим кадам бўлиб хизмат қилади.

Унутмайлик, табиатни асраш — бу фақат экологик вазифа эмас, балки миллий хавфсизлик, иқтисодий барқарорлик ва халқ саломатлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи шартидир.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

ИСЛОҲОТЛАР ОДАМЛАР ҲАЁТИДА АНИҚ НАТИЖА БЕРИШИ КЕРАК

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай мураккаб шароитда мамлакатимизда фуқароларнинг бандлик даражасини кўтариш, бунинг эвазига камбағалликни қисқартиришда дадил натижаларни қўлга киритиш мақсадида давлат дастурлари изчил ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Умуман олганда, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида камбағалликни 2026 йилда 2022 йилга нисбатан икки баробарга, 2030 йилга қадар эса узил-кесил қисқартириш, камбағалликка тушиш хавфи мавжуд 4,5 миллион нафар аҳолининг даромадини ошириш, меҳнатга лаёқатли қатлам, хусусан, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида ишсизликни 7 фоизгача тушириш кўзда тутилмоқда. Камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудлар сафини кенгайтириш эса барқарор иқтисодий ўсиш, аҳоли фаровонлиги кўрсаткичлари ортишига замин яратади. Шу тариқа Янги Ўзбекистон олдида яқин тўрт йил ичида иқтисодиёт ҳажмини икки баробарга ошириб, даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар сафидан жой олишдек улкан марра турибди.

16 февраль куни Президент ҳузурида тақдимоти ўтказилган энг устувор ислохотлар дастурлари ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2026 йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастури лойиҳалари негизига ҳам юқоридаги мақсад ва вазифалар муҳассамлашганини кўриш мумкин.

Илғор хорижий тажрибага таяниб мутлақо янги ёндашув асосида ишлаб чиқилган бу лойиҳаларда жорий йилдаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, уларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгиланаётгани кўзда тутилаётган чора-тадбирларнинг манзиллилиги ҳамда натижадорлигини кафолатлайди.

Хўш, ислохотлар дастурлари ва Давлат дастури бир-биридан қайси жиҳатларга кўра фарқланади?

Тақдиротда қайд этилганидек, ислохотлар дастурлари давлат раҳбарининг халқимиз ва Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббуслар ва 2026 йил учун энг устувор ислохотларни қамраб олган. Маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш, иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш ҳамда ички бозорда талабни рағбатлантириш, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш, экологик мувозанатни таъминлаш ва сувдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда бирдамликни таъминлаш орқали уни юксалтириш шулар жумласидан.

Бу дастурларда “ҳужжат ишлаб чиқиш”дан “натижага эришиш” тамойилига ўтилаётгани, ҳар бир ташаббусни амалга ошириш механизмлари ва йил якунига мўлжалланган ижро натижалари бўйича КРІ белгилангани алоҳида диққатга молик. Баён этилдики,

ислохотлар дастурлари тўғридан-тўғри амал қилиш механизмига эга ва айрим ташаббуслар бўйича алоҳида ҳужжат талаб этилмайди. Ҳар бир ислохотлар дастурининг ижроси учун шахсан жавобгар бўлган масъул раҳбар ва мувофиқлаштирувчи давлат ташкилоти белгилаб қўйилади.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида эса стратегиянинг 2026 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлари ўз ифодасини топган. Дастур билан 337 та банддан иборат амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланмоқда.

Маълумотларга кўра, 2026 йилда соҳалар кесимида энг муҳим 59 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва энг муҳим стратегик ислохотларни назарда тутувчи 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиш демократик тараққиётнинг бош шартларидан ҳисобланади. Худди шундай, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш

яқин талаба, профессор-ўқитувчилар, давлат хизматчилари билан муҳокама тадбирлари, хориждаги ватандошлар иштирокида эса алоҳида мулоқотлар ташкил этилиб, уларнинг ҳам таклифлари билан танишилган. Таҳлиллар натижасида конструктив деб топилган мингга яқин таклиф саралаб олиниб, Давлат дастури лойиҳасига киритилгани мамлакат олдида турган стратегик вазифаларни белгилаб олишда жамоатчилик иштироки фаоллашаётганини, таъбир жоиз бўлса, халқнинг дардига “қулоқ тутилаётгани”ни кўрсатади.

Мисол учун, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик учун жазони кучайтириш, педофилия учун умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини жорий этиш, ипотека ва электромобиль хариди учун кредит механизмларини такомиллаштириш, яъни одамлар учун янада манфаатли қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 30 фоизга етказиш, коррупцияга қарши курашишни янги босқичга олиб чиқиш, жиноят ишлари бўйича судларда халқ вакиллари ҳайъати иштирокини йўлга қўйиш каби ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Яна бир муҳим масала – кўпинча жойларда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келаётган қатор ҳолатларнинг амалий ечими ўлароқ, маҳалла маблағлари сарфи бўйича очиқ ҳисобдорликни кучайтириш, маҳаллаларда ички йўллар, пиёдалар ва велойўлакларни ташкил этиш, дарахт кешиш учун жавобгарликни қатъийлаштириш сингари таклифлар ҳам инobatга олинди.

АҚШ, Германия, Туркия, Франция, Канада, Корея, Япония, Швеция, Португалия ва Қозғоғистонда бўлиб турган ватандошларимиз эса нодавлат мактаблар фаолиятини ривожлантириш учун аниқ, барқарор ва шаффоф лицензиялаш ҳамда назорат механизмлари кераклиги, имтиёзли кредитларни ажратишда “натижага боғланган имтиёз” моделини, экспорт қилувчи корхоналар учун эса “Export-as-a-service” моделини жорий қилиш, яъни логистика, божхона, сертификатлаш, маркетинг ва тўлов масалаларини ягона оператор орқали комплекс хизмат сифатида тақдим этиш, адвокатлар учун электрон навбат олиш жараёни бўйича қўлланма ва видеоўйриқномалар тайёрлаш сингари аниқ таклифларни илгари сургани айни муддао, назаримизда.

Давлат раҳбари томонидан тегишли фармон имзоланиб, ислохотлар дастурлари ва “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” Давлат дастури тасдиқланди.

Барча ислохот ва чора-тадбирлар одамлар ҳаётида аниқ натижа бериши, аниқроғи, янги иш ўринлари кўпайиши, аҳолида даромадлар ўсиши ва уларда розилик ҳисси ортишида ўз аксини топиши зарурлигига ургу берилди.

Бизнингча ҳам, асосийси шу: “Инсон кадри учун” тамойилига уйғун дейилаётган ислохотлар жойларда оддий одамларни

ўйлантираётган барча муаммоларга барҳам берсин, жамоатчилик бонг ураётган долзарб масалалар адолатли ечим топсин, ҳар бир яхши ўзгариш турмушимизда, ҳаётга қараш ва мақсадларимизда юксалишга туртки берсин. Токи, сўзимиз аввалида келтирганимиз каби, сафимизда кун ўтказиш кайфиятига тушиб қолганлар бўлмасин!

16 февраль куни, шунингдек, Президент раислигида Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи бўлган бу муборақ ойни уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказиш жамиятимиз учун ғоятда муҳим. Йиғилишда шу хусусида сўз юритилиб, нурунийлар, ёлғиз ва эҳтиёжманд фуқаролар ҳолидан хабар олиш, оғир аҳволга тушиб қолган оилаларга амалий кўмак бериш эзгу қадрият экани таъкидланди. Рамазон ойи муносабати билан амалга ошириладиган, саховат ва мурувватга йўғрилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берилди. Уларни амалга ошириш учун “Вақф” хайрия жамоат фондига 750 миллиард сўм ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги орқали 300 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Маълум бўлишича, ажратиладиган бу маблағлар ҳисобидан кам таъминланган оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, ногиронлиги бор шахсларнинг даволаниш ва жарроҳлик амалиётлари харажатларини қоплаб бериш назарда тутилмоқда.

Йиғилишда ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилаларнинг аниқ ва шаффоф рўйхатини шакллантириш, ёрдамларни фуқароларнинг дини, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ва адолатли тарзда етказиш шартлиги алоҳида қайд этилди. Масъул идораларга бу борада қатъий назорат ўрнатиш топширилди.

Эртага, 19 февраль куни бошланажак Рамазон ойида улкан савоблар умидида кўп эзгу ишларнинг бошини тутамиз. Ушбу ойда наинки эҳтиёжманд инсонларга кўмак бериб, умид ва қувонч улашиш, балки маҳаллаларни ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларни обод этиш ва бу билан ўсиб келаётган авлодга ибрат, намуна бўлиш чин инсоний бурчимиздир.

Дарвоқе, давлат раҳбарининг 16 февралда қабул қилинган “Муборақ Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарорида юқоридаги вазифалар билан бир қаторда Рамазон тадбирларини исрофгарчиликка йўл қўймасдан, ихчам ва тежамкорлик асосида ташкил этишга эътибор қаратиш кераклиги ҳам белгиланган.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

МУНОСАБАТ



Акмал УМАРАЛИЕВ,
ЎзХДП Тошкент вилоят
кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи
аъзоси.

Айтиш керакки, кейинги йилларда Оҳангаронда кўплаб соҳаларда ўсишга эришилди. Замонавий корхоналар ишга тушмоқда, шаҳару қишлоқлар обод бўлиб, бир пайтлар тасаввуримизга ҳам сиғмаган баланд иморатлар қад ростлаб, одамларнинг турмуш даражаси ҳам шунга мос равишда юксалмоқда.

Президентимиз ушбу ҳудудга ташрифи давомида амалга оширилаётган инвестиция

Оҳангароннинг иқтисодий салоҳияти янада юксалади

лойиҳалари, саноат корхоналари фаолияти, инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ижтимоий объектлар қурилиши билан танишди. Айниқса, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва замонавий технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Туманда юқори кучланишли кабель маҳсулотлари ишлаб чиқараётган “Enco Group” корхонаси, “Vades Group” компанияси амалга ошираётган юқори технологияли лойиҳа, шунингдек, “Infinity Corper Group” томонидан мис қувур ва фитинглар ҳамда “Premier” бренди остида майший техника ишлаб чиқараётган корхоналар фаолияти билан танишув чоғида соҳа самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва рақобатбардор маҳсулотлар турини кенгайтириш бўйича муҳим топшириқ ва тавсиялар берилди.

Шу куннинг ўзида давлатимиз раҳбари раислигида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида ўтган йилги макроиқтисодий натижалар қайд этилди. Жумладан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми 7,7 фоизга ўсиб, 147 миллиард доллардан ошди. Иқтисодий ўсишнинг ярмидан кўпи хизматлар ҳисобига таъминланди. Қишлоқ хўжалигида гектаридан ўртача даромад 4,5 мингдан 5 минг долларга, меҳнат унумдорлиги 4,7 фоизга кўпайди.

2026 йил 6,6 фоизли иқтисодий ўсиш орқали ялпи ички маҳсулот ҳажмини 167 миллиард долларга етказиш режаси геосиёсий вазият ва иқтисодий тебранишларни инobatга олган ҳолда шакллантирилган эҳтиёткор прогноз экани таъкидланди.

Шу билан бирга, ҳар бир

вазир, ҳоким ва тармоқ раҳбари соҳасига янгича бошқарув олиб кириб, ресурслардан самарали фойдаланса, анъанавий экспорт бозорларига боғланиб қолмасдан янги йўналишлар очса, рақамлаштириш ва сунъий интеллект бўйича мутахассисларни жамлаб, инновациялар киритса, ёшларни жалб этиб, “стартап клуб”лар ташкил этса, иқтисодий ўсишни янада юқори суръатларда таъминлаш учун барча имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бу вазифалар шунчаки қақирқ эмас, балки аниқ амалий ҳаракатларга ундайдиган дастурий ёндашувдир. Ҳар бир вазир, ҳоким ва тармоқ раҳбари ўз соҳасида замонавий бошқарув механизмларини жорий этса, очиклик ва натижадорликни устувор тамойилга айлантирса, иқтисодиёт тармоқлари сифат жиҳатидан янги босқичга чиқиши мумкин.

Айниқса, ресурслардан оқилона фойдаланиш, қўшимча қиймат яратадиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, экспорт географиясини кенгайтириш орқали миллий иқтисодиёт барқарорлиги мустаҳкамланади. Рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, сунъий интеллект ва инновацион ечимларни амалиётга татбиқ этиш эса бошқарув самарадорлигини кескин оширади.

Шу билан бирга, ёшларнинг билим ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, “стартап клуб”лар ва инновацион майдонларни ташкил этиш орқали янги ғоялар иқтисодиёт драйверига айланади. Бу эса ўз навбатида, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсиш суръатларини барқарор таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади.

Демак, мавжуд имконият ва салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилса, юқори натижаларга эришиш — бу реал мақсаддир. Буларнинг барчаси иқтисодиётимиз янги сифат босқичига ўтаётганидан далолатдир.

Ҳар бир белгиланган устувор вазифаларда, албатта, депутатлик ва жамоатчилик назорати билан натижадорликка эришилади. Бу жараёнда халқ вакиллари ҳам ушбу вазифалар ижросини таъминлашга масъулдирлар.

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

Фаол иштирок ва масъулият руҳи билан



Аббор ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
раиси ўринбосари.

Бугунги ислохотларимиз ана шу тамойилларга асосланган. “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да амалга ошириладиган Давлат дастурида ҳам халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар бир инсон ҳаётини фаровон этишга қаратилган аниқ вазифалар белгиланган. Бу партиямиз дастурий мақсадлари билан ҳамоҳангдир.

Шу муносабат билан партиямиз янги – “Бир маҳалла

Мақсадли иқтисодий дастурлар, сиёсий шиорлар ва ислохотлар қанчалик катта бўлмасин, инсон ҳаётида амалий ўзгаришлар билан қувватлансагина, ҳақиқий самара беради. Амалий ишлар ва ташаббуслар орқали ҳар бир фуқарога эътибор қаратилса, иқтисодий ва ижтимоий натижалар, маънавий барқарорлик ва умид ҳам мустаҳкамланади.

– бир ташаббус” лойиҳасини бошлади. Лойиҳа маҳалла фуқаролари ва фаолларнинг ташаббуслари асосида амалга оширилади, аҳоли ўз ҳаётидаги ўзгаришларда фаол иштирок этади.

Партия ташкилотлари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳлари белгиланган маҳаллаларда мавжуд ҳолатни ўрганади. Улар аҳоли эҳтиёжлари ва муаммоларини аниқлаб, депутатлик нazorати орқали аниқ ва самарали ечимлар таклиф қилади.

Биз бу лойиҳани маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаролар ўртасида самарали ҳамкорликни мустаҳкамлайдиган муҳим механизмга айлантирамиз. 2026 йил давомида лойиҳа доирасида 1040 та маҳаллани қамраб олишни режа қилганмиз.

Бу жараён, ўз навбатида, маҳалла ҳаётидаги

муаммоларнинг тизимли ечимини таъминлайди ва халқ билан давлат ўртасидаги ишончли, очиқ муносабатни мустаҳкамлайди.

Шу йўл билан биз маҳалла ташаббуси ва партия назорати орқали биргаликда ижтимоий фаровонликка эришишни мақсад қилганмиз.

Лойиҳа давомида таълим сифати ва тарбия жараёни, тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги, профилактика тадбирлари, ободонлаштириш масалалари ва коммунал хизматлар сифати, инфратузилмани ривожлантириш, ичимлик суви ва канализация тизимлари, ички кўчалар ҳолати ўрганилади. Ўрганишлар давомида жамоатчилик эшитувлари, партия гуруҳи муҳокамалари ўтказилади. Белгиланган маҳаллаларда фуқароларга бепул

кўриklar ташкил қилинади. Мутасаддиларга депутатлик сўровлари юборилади.

Умуман олганда, лойиҳанинг амалий йўналишлари ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олади. Маҳаллада амалга

ошириладиган ҳар бир кичик лойиҳа, масалан, кўчани таъмирлаш ёки болалар боғчасини модернизация қилиш аҳоли турмуш даражасини сезиларли даражада оширади ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди.

Лойиҳа самарадорлиги мунтазам мониторинг қилинади, натижалар умумлаштирилади ва мамлакат миқёсида қўлланиладиган янги ижтимоий моделларни яратиш имконини беради. Биз лойиҳа кўламини келгусида ҳам кенгайтириб борамиз.

“Бир маҳалла – бир ташаббус” лойиҳаси аҳолида фаол иштирок ва масъулият руҳини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролар ўз ташаббуслари билан маҳалладаги шароитни яхшилашда бевосита иштирок этади, бу эса маҳалла институти ва ижтимоий ҳамкорлиkning узлуксиз ривожланиши учун замин яратади.

Лойиҳа маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш билан бир қаторда аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳамжиҳатлик хислатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Ёмғир суви – тежамкорлик манбаи

Бугун Ўзбекистонда сув масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда. Табиий сув манбалари чекланган, иқлим эса ўзгармоқда. Дарёларимиздаги сув миқдори йилдан-йилга камайяпти. Шу билан бирга шаҳарлар кенгаймоқда, аҳоли сони ортяпти.



Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи,
халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Илмий маълумотларга кўра, охириги 50–60 йил ичида Марказий Осиёда музликлар қарийб учдан бир қисмга камайган. Бу эса Амударё ва Сирдарёдаги сув миқдорининг пасайишига олиб келмоқда. Халқаро баҳолашларга кўра ҳам Ўзбекистон

сув танқислиги хавфи юқори бўлган давлатлар қаторида. Агар бугун сувдан қандай фойдаланаётганимизга жиддий эътибор қаратмасак, эртага унинг етишмаслигини қаттиқ ҳис қилишимиз мумкин. Бундай шароитда ичимлик сувини кўкаламзорлаштириш ёки техник эҳтиёжлар учун ишлатиш — кимматбаҳо ресурсни беҳуда сарфлаш демакдир.

Ҳолбуки, ёмғир — бу текин сув. Ўзбекистонда йил давомида ёғадиган ёмғир миқдори кам эмас. Уйлар, корхоналар, мактаблар ва шифохоналар томларига тушаётган сувни йиғиб олиш мумкин. Бу сувни дарахтлар суғориш, бошқа хўжалик ишларида фойдаланиш ёки шаҳар тозалиги учун ишлатса бўлади.

Зотан, сувни тежаш маданиятини шакллантириш, уни исроф қилмаслик ва ҳар бир томчини қадрлаш ҳаётимиз сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Таҳлилларга кўра, ёмғир суви ўсимликлар учун ҳам жуда мос. У юмшоқ бўлади, таркибиде туз ва кимёвий моддалар кам. Шу сабабли ўсимликлар бу сувни тез қабул қилади, яхши ўсади. Айниқса, сабзавот, мевали дарахтлар ва гулзорлар учун катта аҳамиятга эга.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ҲАМ КЕРАК

Бугунги кунда дунё бўйлаб қишлоқ хўжалиги экинлари учун ер майдони тахминан 1,6 миллиард гектарни ташкил этади. Шу майдоннинг асосий қисми — яъни 1,3 миллиард гектари лалми ерлар бўлиб, айнан шу ҳудудларда жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб 60 фоизи етиштирилади. Бу эса лалми деҳқончиликнинг дунё озиқ-овқат хавфсизлигидаги ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, лалми деҳқончилик шароитида ёгингарчилик сувидан тўлиқ фойдаланилмайди. Ёмғир ёққанда унинг катта қисми турли йўллар билан йўқотилади: 30–70 фоизи буғланиб кетади, 25–40 фоизи ўсимликлар орқали атмосферага чиқади, 10–25 фоизи ер устидан

оқиб кетади, яна бир қисми эса чуқур қатламларга сингиб, экинлар учун фойдасиз бўлиб қолади.

Аслида эса шу йўқотилаётган сувни фойдали ресурсга айлантириш имконияти бор. Илмий-тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёгингарчилик натижасида ҳосил бўладиган ер устки оқимининг камида 10–25 фоизини йиғиб олиб, ўсимликлар учун энг муҳим ўсиш босқичларида ишлатиш мумкин. Бу усул ҳосилдорликни икки-уч баробарга оширишга ёки қуруқ келган йилларда ҳосил йўқолишининг олдини олишга хизмат қилади.

Ёмғир сувини даладан оқиб кетишига йўл қўймасдан, махсус ҳавзалар, ер ости омборлари ёки очиқ жамғарма ҳовузларида йиғиб олиш мумкин.

Бу сувлар асосан томчилатиб суғориш тизимлари орқали ишлатилса, самара янада ошади. Томчилатиб суғориш сувни тежайди, ўсимлик илдизига тўғридан-тўғри етиб боради. Натижада кам сув билан кўпроқ ҳосил олиш мумкин бўлади.

Шунингдек, ёмғир суви тупроқнинг тузланишини камайтиради. Айрим ҳудудларда сув таркибиде туз кўп бўлади, бу эса ернинг унумдорлигига салбий таъсир қилади. Ёмғир суви эса табиий равишда тупроқни юмшатиб, уни соғлом ҳолатда сақлашга ёрдам беради.

ҚАНДАЙ ТАКЛИФ БОР?

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ёмғир сувини тўғри йиғиш ва оқилона фойдаланиш орқали ҳам табиатни асраш, ҳам кундалик ҳаётимизни енгиллаштириш мумкин. Бу каби ғояларни эса энг, аввало, миллий қонунчилик билан мустаҳкамлаш зарур.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Мазкур ўзгаришлар ёмғир сувларини йиғиш ва фойдаланиш тизимини янги қурилишлар учун мажбурий стандарт сифатида белгилашга ҳуқуқий асос яратади.

Ташаббусни амалиётда сынаб кўриш учун Тошкент вилоятини энг мақбул ҳудуд сифатида танлаш мумкин. Бу ҳудудда ёгин миқдорининг нисбатан барқарорлиги ва қурилиш суръатларининг юқорилиги лойиҳани самарали синовдан ўтказиш имконини беради.

Хусусан, Янгийўл шаҳри, Бўка тумани, Чирчиқ шаҳри ва Чиноз туманида лойиҳани татбиқ қилиб, олинган натижалар асосида уни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш мумкин.

Бу жараёнда ёмғир сувини йиғиш тизими биноларда оддий, лекин самарали технологиялар асосида ташкил этилади.

Бунда биноларнинг том қисми ёмғир сувини йиғишда асосий манба ҳисобланади. Ёгингарчилик бошланганида келадиган илк, ифлос сув махсус мослама орқали ажратиб ташланади. Кейин тозаланган ёмғир суви хавфсиз резервуарларда сақланади. Сувни керакли жойга етказишда кўёш энергиясида ишлайдиган насослардан фойдаланилади. Бу эса тизимнинг энергия тежамкор бўлишини ва ташқи электр манбаларига кам боғлиқ бўлишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ёмғир сувини йиғиш ва қайта ишлатиш тизимини янги қуриладиган бинолар учун мажбурий стандарт сифатида жорий этиш Янги Ўзбекистон шаҳарларининг барқарор ривожланишида муҳим қадам бўлади.

Бу ёндашув ичимлик сувини тежаш, иқтисодий самара яратиш, муҳандислик ва дренаж инфратузилмасига тушадиган юкларни камайтириш, ер ости сувлари захирасини тўйинтириш ҳамда ҳудудлар экотизимини яхшилашга комплекс таъсир кўрсатади.

Натижада, мазкур тизим экологик барқарорлик, ресурс тежамкорлиги ва замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган янги стандарт сифатида шаклланиши мумкин.

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Партиянинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг

Наманган вилоятида
партия ходимлари ва
фаоллари, депутатлар
иштирокида семинар
ташkil этилди.

Унда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ижтимоий адолат ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилангани Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари билан ҳамоҳанг эканлиги таъкидланди.

Кейинги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, жамоатчилик назорати ва давлат бошқаруви каби соҳаларда амалга оширилган изчил ислохотлар “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида назарда тутилган марраларни белгиланган муддатдан олдинроқ забт этишга асос бўлмоқда.



Қолаверса, бугунги глобал иқтисодий жараёнлар, технологик ўзгаришлар ва халқаро майдондаги рақобат Ўзбекистон олдига янги

вазифаларни қўймоқда. Натижада “Ўзбекистон – 2030” стратегияси такомиллаштирилди. Стратегия Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган

ислохотларнинг аниқ мақсадлари, устувор йўналишлари ва амалий механизмларини ўзида мужассам этгани, бунда инсон капиталини ривожлантириш,

аҳоли салоҳиятини янада юксалтириш, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш, иқтисодиётнинг барқарор ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган вазифалар белгилангани эътиборли жиҳатдир.

Шунингдек, мулоқотда Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида маҳалла институтини мустаҳкамлаш, аҳоли муаммоларини манзилли ўрганиш ва жойида ҳал этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий шериклиқни мустаҳкамлашга алоҳида ёндашилиши қайд этилди.

Партия учун энг муҳим масала — стратегия ва дастурлар фақатгина қоғозда эмас, балки халқ ҳаётида сезиладиган амалий натижалар билан ифодаланиши керак.

Аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этиш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш бўйича ташаббусларни кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Мулоқотда партиянинг халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари ҳамда ҳудудий ташкилотлари ҳамкорликда аниқ режа асосида самарали жамоатчилик назоратини йўлга қўйиши бўйича вазифалар белгилаб олинди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.

ХОРАЗМ:

ДЕПУТАТ СЎРОВИДАН КЕЙИН



Хонқа туманида аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларга ўз вақтида ечим топиш борасидаги амалий ишлар изчил давом этмоқда. Жўмладан, “Эҳтиром” маҳалласида яшовчи фуқароларни узоқ вақтдан бўён Олмазор кўчасидаги тунги ёритиш тизими носозлиги ташвишга солиб келарди. Бу нафақат ноқулайлик, балки турли салбий ҳолатларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу боис маҳалла фаоллари ушбу масала юзасидан халқ депутатлари Хонқа туман Кенгаши депутати Ферузбек Ваисовга мурожаат қилишди.

Мурожаат бефарқ қолдирилмади. Депутат муаммони жойида ўрганиб, туман ободонлаштириш бошқармасига сўров юборди. Натижада Олмазор кўчасидаги 10 та тунги ёритгич тўлиқ таъмирланиб, қайта ишга туширилди.

Назокат МАШАРИПОВА,
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши
ахборот хизмати раҳбари.

СУРХОНДАРЁ:

МУРОЖААТЛАР ЁЧИМИНИ ТОПМОҚДА



Партиямиз Жарқўрғон туман кенгашига “Истиқлол” маҳалласида яшовчи фуқаролардан мурожаат келиб тушган эди. Унда маҳаллани электр энергияси билан таъминловчи трансформатор ариқ ёнида жойлашгани ва бу ариқ кенгайтирилиши сабабли трансформаторни бошқа хавфсизроқ жойга кўчириш зарурати ҳақида ёрдам сўралган.

Туман кенгаши депутатлари Ч. Юсупов ҳамда А. Тошпўлатовлар бу мурожаатни ўрганди. Натижада туман ҳудудий электр тармоқлари томонидан трансформаторнинг хавфсизлик қоидаларига мувофиқ кўчирилиши таъминланди.

Шунингдек, депутат Ч. Юсупов “Жануб Қалқонлари” маҳалласида сайловчилар билан ўтказган мулоқоти чоғида ҳудудда жойлашган 32-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносининг том ости қисми таъмирланмай қолгани айтилган эди.

Депутат бу масалани ҳам эътиборсиз қолдирмай, Жарқўрғон туман ҳокими ўринбосари А. Ражабовга ҳамда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи С. Адинаевга депутат сўрови юборди. Депутат сўровига жавобан масъуллар мазкур муаммони бартараф қилдилар. Бу жамоатчилик назорати ҳамда депутат ташаббуси жойларда ўз натижасини бераётганининг амалий ифодасидир.

СИРДАРЁ:

НОҚУЛАЙЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ



Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашидаги депутатимиз В. Ҳасанов томонидан “Янги ҳаёт” маҳалласида фуқаролар турмуш шароитини яхшилаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганиш жараёнида маҳалланинг Баҳористон, Фазилат ҳамда Олчазор кўчаларида ичимлик суви қувурларининг ёрилиши оқибатида жиддий муаммолар юзага келгани аниқланди. Хусусан, 11-кўп қаватли уйнинг ертўла қисми сув билан тўлиб, аҳоли учун ноқулайлик туғдираётгани маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан В. Ҳасанов тегишли ташкилотлар билан боғланиб, зарур чораларни кўриш бўйича келишиб олди. Шунингдек, ҳудудда ичимлик суви қувурларини таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмида тўпланиб қоладиган сувни чиқариш ва келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш масалалари депутат назоратига олинди.

ФАРҒОНА:

ЭЛ КОРИГА ЕЛКА ТУТИБ...

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги депутатимиз Муқимжон Деҳқоновга Учкўприк туманининг “Янгиобод” маҳалласи фуқароларидан мурожаат бўлган эди. Унда ҳудудда аҳоли сони ошгани сабабли электр билан таъминлашдаги муаммолар тилга олинди, янги трансформатор ўрнатишда ёрдам сўралган.

Депутатнинг маҳалла раиси Н. Маматов билан биргаликдаги сўй-ҳаракати самараси ўлароқ, ҳомийлар топилди ва маҳалла ҳудудидаги Тўқайтепа қишлоғида қуввати 400 кВт бўлган замонавий трансформатор ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.



Янги трансформаторнинг ишга туширилиши натижасида маҳалладаги 150 га яқин хонадоннинг электр таъминоти сифати яхшиланди. Бу аҳолининг кундалик ҳаётида қулайликлар яратиб, электр энергиясидан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раислари томонидан оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар ҳамда ёлғиз оналарни арзон уй-жой билан таъминлаш ҳолати ўрганилди.

Ўрганишлар жараёнида тегишли маълумотлар ижтимоий ва иқтисодий комплекслар кесимида таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, ҳомийлар ва жамғармалар маблағлари орқали 2025 йил давомида вилоятда 91 нафар эҳтиёжманд аёл уй-жой билан таъминланган.

Депутатлар Қўштепа, Тошлок, Данғара туманлари ва Қувасой шаҳрида оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар ҳамда уй-жойини яхшилашга муҳтож ёлғиз оналарнинг яшаш шароитларини яқиндан ўрганиб, улар билан мулоқот ўтказди.

АНДИЖОН:

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА



Халқ депутатлари Қўрғонтепа туман Кенгаши депутати Ў. Носиров ўзи сайланган 12-Қўштепа сайлов округидаги “Тошлоқ” маҳалласида бўлиб, аҳоли мурожаатларини ўрганди.

Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган масалалар жойида ҳал этилди. Хусусан, маҳалла ички йўлларининг ҳолати, кўчаларни тунда ёритиш, шунингдек, ишсизликни камайтириш ва бандлик билан боғлиқ муаммолар атрофлича кўриб чиқилди.

Кўтарилган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва чора-тадбирлар белгилаб олинди.



Файрат МУҲАМЕДОВ,
Экология ва иқлим ўзгариши
миллий қўмитаси
Давлат экологик
экспертизаси маркази
Бош директори.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат экологик экспертизаси режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолият турларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш, экологик хавфларни олдиндан аниқлаш ва уларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш тизимидир. У қарор қабул қилиш жараёнида илмий асосланган хулосаларни тақдим этиб, экологик талабларнинг бажарилишини таъминлайди.

Бу соҳада Давлат экологик экспертизаси маркази томонидан ўтган йили тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси доирасида тизимли ва самарали ишлар амалга оширилди. Айниқса, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ташламалари, оқовалари ва чиқиндилари, транспорт воситаларининг зарарли таъсири сабаб вужудга келган экологик вазиятларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили экологик экспертиза соҳасини салкам чорак аср давомида тартибга солиб келган қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги қонуни билан экологик баҳолашнинг мутлақо янги механизмига асос солинди.

Янгиланган қонунда стратегик режалаштириш ҳужжатлари ҳисобланган давлат дастурлари, концепциялари ва шахарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини стратегик экологик баҳолашдан ўтказиш мажбурийлиги белгиланди. Зеро, узоқ муддатларга белгиланадиган мазкур стратегик ҳужжатларнинг, хусусан, шахарсозлик бош режаларининг халқаро нормаларга асосан экологик баҳолашдан ўтказилимай келингани мамлакатимиз аҳоли пунктларида бүгунги экологик вазиятлар вужудга келишига сабаб бўлди, десак янглишмаймиз.

Давлат экологик экспертизаси жараёنларига замонавий ахборот технологиялари татбиқ этилиб, ҳужжатларни электрон шаклда қабул қилиш ва қўриб чиқиш имкониятлари яратилмоқда. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларининг вақт ва



АТРОФ-МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ МЕХАНИЗМИ

харажатларини қисқартириш билан бирга, қарорлар қабул қилишда ҳолисликни таъминлашга ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, рақамлаштириш, сунъий интеллект технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича қисқа муддатли ўқув курси ташкил этилиб, марказ ходимларининг бу борада малакаси оширилди.

2025 йилда корхона ва ташкилотларга 49 минг 620 та давлат экологик экспертизасининг хулосалари тақдим этилди. Мазкур хулосаларни тақдим этишда жамиятнинг муносабатини ўрганиш мақсадида 1 минг 614 мартаба жамоатчилик эшитувлари ўтказилди. Жиззах вилоятида қурилиши режалаштирилаётган АЭС қурилиши ёки “Sea Breeze Uzbekistan” МЧЖ лойиҳалари шулар жумласидандир.

Муаммоли ва мураккаб объектлар бўйича экспертлар Кенгашининг 6 мартаба йигилиши ўтказилиб, унда йигирмадан ошиқ масала қўриб чиқилди.

Давлат экологик экспертизаси марказининг “Eco-service. uz” электрон ахборот тизими “Шаффоф қурилиш” ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг электрон тизимлари билан тўғридан-тўғри интеграция қилинди. Мазкур механизм урбанизация ва уй-йўл соҳасида давлат бошқаруви ва экологик назорат самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Туман (шаҳар) экология бўлинмалари шахсий кабинетига давлат экологик экспертизаси хулосаларини юбориш тизими йўлга қўйилди. Бу ўз навбатида

жойларда экологик назорат инспекторларига хўжалик юритувчи субъектлар учун тегишли хулосаларда белгиланган экологик талаблардан тезкор хабардор бўлиш ҳамда уларнинг ижроси устидан давлат экологик назоратини олиб боришда муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, ўтган йил давомида хўжалик юритувчи субъектларга 20 минг 500 та смс-хабарнома орқали экологик қонунчилик бўйича мажбурий кўрсатмалар юборилган.

Марказ томонидан автотранспорт воситаларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсирини камайтириш мақсадида “Экологик транспорт” тизимини жорий этиш чора-тадбирлари белгиланди. Бундан ташқари, 5 та Миллий стандартлар лойиҳаси тайёрланиб, Ўзбекистон стандартлар институти томонидан тасдиқланди. Экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш йўналиши бўйича 2 та услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Марказ учун ўтган йил халқаро учрашувлар ва келишувлар борасида ғоятда самарали йил бўлди. Хусусан, Корея атроф-муҳит институти тақлифга асосан марказ ходимларининг Корея Республикасида таширифи давомида англашув меморандуми имзоланди. Мазкур меморандум доирасида Корея атроф-муҳит институти делегацияси Ўзбекистонга таширф буюриб, улар иштирокида экологик баҳолаш ва мониторингни рақамлаштириш бўйича семинарлар ташкил этилди. Бундай амалий-ўқув семинарлар Корея Республикасида ҳам бўлиб

ўтди.

Беларусь Республикаси Табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Давлат экологик экспертизаси, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Давлат экологик экспертизаси маркази “Eco Expo Central Asia 2025” халқаро кўргазмасида ўз павильони билан муваффақиятли иштирок этиб, тизим ташкилотлари ўртасида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Марказ фаолиятини такомиллаштириш учун Бош прокуратура, Олий суд, Марказий банк, ҳудудий экологик назорат инспекциялари ва Давлат экологик экспертизаси марказининг ҳудудий филиаллари масъул раҳбар ҳамда ходимлари иштирокида соҳадаги ислохотлар ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришларга бағишланган ўқув семинарлар изчил равишда ташкил этилди.

Марказ ходимлари анъана ва кадриятга айланиб бораётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида ҳам фаоллик, ташаббускорлик кўрсатиб келмоқда. 2025 йилда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети биносининг туташ ҳудудида марказнинг “Эко боғи” ташкил этилиб, 500 га яқин манзарали дарахт кўчатлари экилди ва томчилатиб сўғориш тизими йўлга қўйилди.

Марказ халқаро сертификатлаш ташкилоти – “CERT International” (Словакия) томонидан ўтказилган коррупцияга қарши бошқарув тизимининг мустақил аудитини муваффақиятли якунлаб, ИСО 37001:2016 халқаро сертификати олинди. Мазкур сертификат ташкилотларда коррупция ва

порахўрликка қарши курашиш, бу иллатнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш учун мўлжалланган бошқарув тизимини жорий этиш бўйича талаблар ва тавсияларни белгилайди. Бу барча турдаги ташкилотларнинг “шаффофлик ва ҳалоллик маданияти”ни оширишга ёрдам беради.

Марказнинг 100 нафарга яқин ходими Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Коррупцияга қарши курашиш Вертуал академияси сертификатларига ҳам эга бўлди. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизимининг атроф-муҳит муҳофазаси борасида экологик экспертиза фаолияти учун мувофиқлик сертификати олингани эса марказ фаолиятининг қонунчиликка мос келишини расман тасдиқлайди.

Бугунги глобал исш ва саноат корхоналарининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига таъсири ортиб бораётган бир даврда давлат экологик экспертизаси фаолиятининг келгусидаги устувор мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- янгиланган қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий нормаларни, давлат дастурлари, концепциялари ва шахарсозлик ҳужжатларини стратегик экологик баҳолашдан ўтказиш механизмини мукамал ўзлаштириш ва халқаро талаблар асосида амалга ошириш;
- экологик хулосаларни тайёрлаш ва хулосаларда белгиланган экологик талаблар назоратини амалга оширишда рақамли технологиялар ва инновацион ечимларни, сунъий интеллект механизмларини кенг жорий этиш;
- кадрлар салоҳиятини, айниқса, эколог-экспертлар ва лойиҳачилар малакасини ошириш, уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш;
- давлат экологик экспертизаси хулосаларини шакллантиришда илмий-тадқиқот натижалари, аниқ ҳисоб-китоблар ва ишончли маълумотларга таяниш, соҳага оид, жумладан, экологик нормативларни ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқот ишларини жонлаштириш;
- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан очкилик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида жамоатчилик эшитиуви ҳамда жамоат экологик экспертизаси институтларини такомиллаштириш;
- соҳада кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда коррупциявий хавфларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш борасида тизимли, тезкор чораларни қўриш;
- экологик экспертиза қонунчилиги ижросини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кенгайтириш.

Мазкур устувор мақсад ва вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши Марказ фаолиятида янада юқори натижаларга эришиш ва пировард натижада мамлакатда экологик барқарорликни таъминлашга муносиб улуш қўшиш учун мустаҳкам замин яратади.

ОГОҲЛИК

Гиёҳвандлик ва наркотиноятчилик чегара, миллат танламай, глобал миқёсда хавфсизликка, жамиятнинг барқарорлиги ҳамда эртасига жиддий таҳдид солмоқда. Айниқса, ёшлар орасида турли наркотиклар истеъмоли ёки уларнинг наркотиноятларга аралашиб қолиш ҳолатлари йилдан-йилга ортиб бораётгани тарбиявий, тушунтириш ва бирламчи профилактик тадбирларни жонлантиришни тақозо этмоқда.

Маълумотларга кўра, 2025 йилда республикамызда ҳуқуқ-тартибот идораларининг саъй-ҳаракатлари натижасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 15 минг 412 та жиноят ва 1 минг 956 та маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган. Ҳудудлар кесимида наркотиноятларнинг 53 фоизи Тошкент шаҳрига, яна салмоқли қисми Фарғона ва Тошкент вилоятларига тўғри келмоқда.

Бу ҳақида Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон маҳаллалар уюشمаси ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Видеомулоқот шаклида кечган анжуманда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимлари, соҳа мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, барча вилоят,

шаҳар ва туман ҳокимликлари, жойлардаги ташкилотлар масъуллари иштирок этди.

– Нарковазиятни барқарорлаштириш ва наркотаҳдидларга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркотиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди, – дейди Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги директори ўринбосари Шавкет Каюмов. – Фармон асосида жорий этилган Миллий дастурда шу йил февраль ойда “Ёшлар орасида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг тарқалишига қарши курашиш ойлйи”ни ўтказиш вазифаси белгиланди. Ушбу ойлик доирасида ёшларимизда гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши иммунитетни шакллантириш ҳамда мазкур иллатларнинг салбий оқибатларидан огоҳликларини ошириш мақсадида қатор ишлар режалаштирилган.

Хусусан, Ўзбекистонда нарко экспресс-тестлар ишлаб чиқариш ва ундан оммавий фойдаланиш йўлга қўйилади. Ҳозирда дорихоналарда нарко экспресс-тестларнинг жуда кўп тури мавжуд. Биттасининг нархи ўртача 80–100 минг сўмни ташкил этади. Аммо бундай тестлар сотилишидан аҳолининг катта қатлами беҳабар. Бундай нарко экспресс-тестлар ҳамма учун керак, айниқса, ота-оналар дорихонадан сотиб олиб, фарзандининг пешоби орқали унда наркотик моддалар ва уларнинг метаболитларини тезкор аниқлаши мумкин. Жорий йилда нарко экспресс-тестлардан



фойдаланишни оммавийлаштириб, фуқаролар хабардорлигини оширмоқчимиз.

Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Абдулазиз Мўминовнинг таъкидлашича, 2025 йилда 3 минг 744 нафар ёш, 111 нафар вояга етмаган шахс наркотиноят содир этган.

–Аслида ҳозир ёшлар қизиқиш ёки турли стресслардан чиқиш учун наркотик истеъмол қилаётганини даъво қилишади, – дейди А. Мўминов. –Энг ёмони, бу йўлга киргач, тенгдошларига ҳам тавсия қияпти ва улар сони ортапти.

Бундан ташқари, иқтисодий аҳволи яхши бўлмаган ёшларнинг наркотик моддаларни сотиш учун “закладчик” ёки майда курьерликка жалб қилиниш ҳолатлари кузатилмоқда. Наркотикларнинг ноқонуний айламасида ёшлар иштирокининг ошаётгани, наркотик моддалар бозорининг рақамлаштирилиши ва жиноят

усулларининг замонавийлашуви ёшлар билан комплекс дастурлар орқали жиддий ишлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга қарши курашиш ва улар тарқарлишининг олдини олиш бўйича маҳалла, мактаб, олий таълим муассасаларида ўтказилган лойиҳаларда 3 миллионга яқин йигит-қизлар қамраб олинган. Бундай кенг қамровли тадбирларни йил давомида тизимли ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Матбуот анжуманида масъуллар гиёҳвандликка қарши курашиш шунчаки бир ташкилотнинг ёки таълим муассасаларининг иши эмас, балки бутун жамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатига айланиши заруратини яна бир бор эслатди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

“АҚЛЛИ ШАҲАР”

фақат технология эмас, қулайлик ва ғамхўрликдир



► (Давоми. Боши 1-бетда)

КЕЧАГИ ОРЗУ – БУГУНГИ ҲАҚИҚАТ

Ривожланишнинг бугунги босқичида шаҳар ҳаётининг турли соҳаларида, жумладан, прогнозлаш, транспорт ва коммуникацияларни бошқариш, яшил майдонларни сақлаш ва бошқа йўналишларда замонавий технологиялар кенг жорий этилмоқда. Технологик шаҳарнинг бундай қиёфаси «ақлли шаҳар» деб аталади. Янада тушунарли қилиб айтадиган бўлсак, у доим технологиялар билан бойитилган аҳоли яшаш жойини англатади. Фантастик киноларда келажак шаҳарлари тасвирини кўриб “Шундай бўлиши мумкинми”, деган саволлар ҳаёлимиздан ўтган.

Рақамли технологияларнинг ривожланиши ана шу манзарани айрим шаҳарлар учун ҳаёлот эмас, ҳақиқатнинг ўзгинаси сифатида кўрсатмоқда. Масалан, кечаси кўчада одам юрмаса, чироқлар ўз-ўзидан хиралашади. Машиналар тирбанд жойларни кўрсатиб беради. Телефон орқали коммунал тўловларни амалга ошириш, ҳатто шифокор қабулига навбатни уйдан чиқмасдан олиш мумкин. Бу ҳаммаси — ақлли шаҳар белгиларидир.

Қисқача айтганда, ақлли шаҳар — бу фантастика эмас. Бу инсон ҳаётини осонлаштириш учун яратилган замонавий муҳитдир. Кечаги орзу бугунги имкониятга айланмоқда.

Ақлли шаҳар – бу ахборот технологиялари ёрдамида бошқариладиган, ресурслар тежамкор ишлатиладиган, оддий тилда изоҳлайдиган бўлсак, аҳоли эҳтиёжларига тез жавоб берадиган шаҳардир. Бунда интернет тармоғи, сунъий интеллект, сенсорлар ва рақамли платформалар муҳим ўрин тутadi.

Масалан, кўчаларга ўрнатилган датчиклар ҳаво сифати ёки транспорт ҳаракатини ўлчайди. Бу маълумотлар марказий тизимга юборилади ва таҳлил қилинади. Натижада тирбандлик камаяди, ёритиш тизими автоматик тарзда ишлайди, фавқулодда ҳолатларга тезкор чора кўрилади.

Айтайлик, автобус қаердалигини телефондан кўриб, йўлга отланасиз. Бекатда кутиб, вақт ўтказмайсиз. Кўчаларда табиий ёруғлик етишмаганида кўча ёритгичи ўз-ўзидан ишга тушади...

Бундай шаҳарда вақт кадрланади. Чунки одамлар ортиқча навбатда турмайди, ортиқча ҳужжат йиғмайди. Йўллар тўғри режалаштирилган бўлади, жамоат транспорти аниқ вақтда келади.

Энг муҳими, ақлли шаҳар табиатни асрашга ёрдам беради. Электр энергияси тежалади, сув исроф қилинмайди, чиқиндилар назорат қилинади. Натижада шаҳар тоза ва соғлом бўлади. Бу ерда асосий мақсад — одамларнинг турмуш сифатини

яхшилаш. Шу маънода «ақлли шаҳар» тизимини жорий этиш ва ривожлантириш бугунда жуда муҳим, кечиктириб бўлмас масала.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ “АҚЛЛИ ШАҲАР”ЛАР ҚУРИЛМОҚДА

“Ақлли шаҳар”лар замонавий технологиялар ва инновацион ечимлар ёрдамида бошқариладиган, аҳоли учун қулай ва хавфсиз шароитлар яратиладиган шаҳарлардир. Улар энергия тежамкорлиги, экологик тозалик, транспорт тизими самарадорлиги, хавфсизлик ва бошқа кўплаб афзалликларга эга. Ўзбекистонда ҳам “ақлли шаҳар”лар қуришга катта эътибор қаратилмоқда.

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг октябрь ойида Президентимиз раислигида сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш юзасидан йиғилиш ўтказилган эди.

Унда қайд қилинишича, Хоразм вилояти маркази Урганч шаҳрида сунъий интеллект асосида «Ақлли шаҳар» тизими ишга туширилди. Ситуацион марказ ташкил қилиниб, электр, газ, сув, иссиқлик таъминоти, бошқарув-сервис компаниялари, транспорт, йўл, ободонлаштириш ва чиқинди корхоналари ягона тизимга уланди. Ҳар бир йўналишдан келиб тушаётган мурожаатлар сунъий интеллект асосида таҳлил қилиниб, тезкор комплекс ечим бериш йўлга қўйилган. Шу орқали йилига 16 миллиард сўм тежалди. Бундай шаҳарлар Тошкентда ҳам, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам у ёки бу даражада жорий этилмоқда.

Жорий қилинган тизим орқали шаҳар хизматларининг барчаси бир марказда назорат қилинмоқда. Бу орқали муаммолар тез аниқланади ва корхоналарга тезкор ечимлар юборилади. Ҳокимлик ходимлари ўз вақтини жамоат билан ишлашга кўпроқ сарфлай олади.

Урганчда 380 дан ортиқ маълумот реал вақтда интеграция қилинган бўлиб, мурожаатларни аниқлаш ва ечим топишни янада осонлаштирди.

Албатта, ҳар қандай янгилик каби, бу йўналиш ҳам изчил меҳнат ва тўғри бошқарувни талаб қилади.

Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ақлли шаҳар – бу келажак эмас, бугунги эҳтиёж, десак тўғри бўлади. Бугун Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда муҳим қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти Оҳангарон ҳудудида “Central Asia Smart City” лойиҳаси режалаштирилган. Бу катта ҳудудда замонавий, рақамли технологияларга асосланган янги шаҳар барпо этиш мақсад қилинган.

6 400 гектар ерда пойтахтга яқин жаҳон даражасидаги шаҳар бунёд этилади. Бу шаҳар 200 000 одам яшайдиган, технологик базиси кучли, рақамли хизматлар билан таъминланган бўлади.

Бу ерда иқтисодий ва молиявий марказ, савдо–логистика зонаси, “Ақлли энергия”, экологик барқарор тизимлар (қувват, транспорт, алоқа), халқаро маълумот ва технология маркази, транспортни автоматлаштириш, янги трамвай линиялари режалаштирилган.

Бу лойиҳа нафақат аҳоли учун қулайлик яратади, балки янги иш ўринлари ва замонавий инфратузилма билан иқтисодиётни ривожлантиришни мақсад қилади.

У ерда ақлли транспорт, энергия тежайдиган уйлар, рақамли бошқарув тизими жорий этилиши кўзда тутилган. Бу нафақат яшаш учун қулай муҳит, балки янги иш ўринлари ва инвестициялар демақдир.

Шунингдек, Чирчиқ шаҳрида “Smart City” тизимини тўлиқ жорий этиш режалаштирилган. Бу орқали шаҳар инфратузилмаси сунъий интеллект ва рақамли мониторинг тизимлари орқали бошқарилади. Масалан, коммунал муаммо юзага келса, тизим тезда аниқлаб, масъулларга хабар беради. Бу эса вақтни тежайди ва муаммони тез ҳал қилиш имконини беради.

Бу лойиҳаларнинг барчаси “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга оширилмоқда. Асосий мақсад — давлат хизматларини соддалаштириш, иқтисодиётни рақамлаштириш ва аҳоли турмуш сифатини ошириш. Бу лойиҳалар шаҳар бошқарувини автоматлаштириш, энергия тежаш, транспортни самарали ташкил қилиш ва давлат хизматларини рақамлаштиришга қаратилган.

Ақлли шаҳар – бу технологиялар ва инсон эҳтиёжлари уйғунашган макондир. У вақтни тежайди, харажатни камайтиради ва яшаш сифатини оширади. Энг муҳими, у барқарор ва хавфсиз келажакни таъминлашга хизмат қилади.

Демак, ақлли шаҳар – бу фақатгина инновация эмас, балки ҳаёт сифатига қаратилган оқилона қадамдир.

МУТАХАССИС НИМА ДЕЙДИ?

Баҳром ТўЛАГАНОВ, Тошкент архитектура-қурилиш университети ректори:

– Ақлли шаҳар — бу бугунги муаммоларга замонавий ечим. Ўзбекистон дастлабки қадамларни ташлади. Энди энг муҳим вазифа — бу жараёни тизимли, шаффоф ва инсон манфаатини биринчи ўринга қўйган ҳолда давом эттиришдир. Чунки ҳақиқий ақлли шаҳар — бу сенсорлар ва камералар кўп бўлган шаҳар эмас. Бу одамлар ўзини хавфсиз, эркин ва бахтли ҳис қиладиган шаҳардир.

Олий таълим муассасаларининг ҳудудлар билан ҳамкорлиги эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётни илмий асосда таъминлашда муҳим ўрин тутadi. Илмий таҳлил ва амалий

таклифларни ишлаб чиқиш орқали ҳудудий муаммоларга ечим топиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва бошқарув сифатини ошириш мумкин. Бу жараён, айниқса, “Ақлли шаҳар” лойиҳаларини ривожлантиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур йўналишдаги кенг қўламли ишларга тўхталадиган бўлсак, ўтган йилда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Улар орасида инновацион технологияларга асосланган “Ақлли маҳалла” лойиҳаси ҳам мавжуд бўлиб, мазкур ташаббус доирасида маҳаллаларни комплекс ривожлантириш, рақамлаштиришни жадаллаштириш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Ҳудудий ривожланиш соҳасида Ўзбекистон Қувайт тажрибасига таяниб иш кўраётгани эътиборга молик, албатта. Чунки Қувайтда “ақлли шаҳар” концепцияси асосида бир нечта йирик лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, улар рақамли технологиялар ва яшил инфратузилмани уйғуналаштиришга қаратилган. Жумладан, 2022 йилда бошланган Харир Сити лойиҳаси энергия самарадорлиги ва экологик барқарорлик тамойилларига асосланган. Унда қуёш панеллари, энергия тежовчи қурилмалар ва чиқиндиларни қайта ишлаш технологиялари кенг қўлланилган.

Ўзбекистон ҳам 2030 йилгача рақамли инфратузилмани модернизация қилиш ва “Ақлли шаҳар” тамойилларини босқичма-босқич жорий этишни мақсад қилган. Бугунги кунда шаҳар хавфсизлиги, экологик барқарорлик ва самарали бошқарув аҳолининг ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган омилларга айланган.

“Ақлли шаҳар” концепцияси транспорт, экология ва хавфсизлик соҳаларидаги муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Масалан, йўл ҳаракатини сунъий интеллект асосида бошқариш, жамоат транспорти тизимини оптималлаштириш ва тирбандликларни камайтириш орқали вақт ва ресурслар тежалади. Шунингдек, ақлли кузатув камералари ва таҳлилий дастурлар жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Экологик барқарорлиқни таъминлаш мақсадида ҳаво сифатини мониторинг қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Хусусан, 2023 йилда Ўзбекистонда экологик мониторинг тизими доирасида 50 та ақлли сенсор ўрнатилиб, атроф-муҳитни доимий назорат қилиш механизми йўлга қўйилди. Рақамли бошқарув тизимлари

орқали давлат хизматлари, коммунал тармоқлар ва шаҳар инфратузилмаси автоматлаштирилган тарзда бошқарилмоқда. Қувайт шаҳри мисолида кўриш мумкинки, сунъий интеллект ва ахборот технологиялари ёрдамида хавфсизлик, транспорт ҳаракати ва фавқулодда ҳолатларга тезкор жавоб бериш тизими самарали йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда ҳам шундай моделни жорий этиш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш университети томонидан қатор илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Университет мутахассислари “Ақлли шаҳар” лойиҳаси доирасида ҳудудларнинг рақамли модели, сунъий интеллект асосидаги бошқарув тизими ва қуёш энергиясидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқмоқда. Лойиҳа доирасида хавфсизлик тизимлари, транспорт ва автотураргоҳлар, бизнес марказлари, чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш бўйича аниқ режалар белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Қувайт билан ҳамкорликда амалга оширилаётган инновацион ташаббуслар Ўзбекистонда “Ақлли шаҳар” ва “Ақлли маҳалла” концепцияларини ҳаётга татиқ этишда муҳим пойдевор вазифасини ўтамоқда. Бу эса мамлакатнинг барқарор ривожланиши, рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва аҳоли ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Мен келажакдаги шаҳарларни экологик тоза, хавфсиз ва рақамли бошқарувга эга деб тасаввур қиламан. Жамоат транспорти қулай, давлат хизматлари тўлиқ онлайн, энергия тежайдиган уйлар кўпайган бўлади. Энг муҳими — одамлар ўз шаҳрида яшашдан рози ва фахрланадиган муҳит шаклланади.

"АҚЛЛИ ШАҲАР" ОДДИЙ ФУҚАРО ҲАЁТИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?

– Энг биринчи таъсири — вақт тежалади. Масалан, электрон навбат тизими орқали соатларда кутиш керак бўлмайди. Коммунал тўловларни уйдан чиқмасдан амалга ошириш мумкин. Тирбандлик камайса, одамлар ишга ёки уйига тезроқ етиб боради.


Яна бир муҳим жиҳат — хавфсизлик. Видео кузатув ва рақамли назорат тизимлари жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам беради.

Бу лойиҳаларнинг иқтисодий аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, "ақлли шаҳар"лар инвестицияларни жалб қилади. Замонавий инфратузилма бор жойда бизнес ривожланади. Янги иш ўринлари яратилади. Шунингдек, ресурслар тежалади — электр, сув, ёқилғи самарали ишлатилади. Бу эса давлат харажатларини камайтиради ва иқтисодий самарадорлиқни оширади.

Бу йўлда албатта, қийинчиликлар ҳам бўлади. Чунки бу кичкина лойиҳа эмас. Масалан, молиявий харажатлар катта бўлиши мумкин. Яна бир масала — рақамли саводхонлик. Аҳоли янги технологиялардан тўғри фойдаланишни ўрганиши керак. Шунинг учун инфратузилма билан бирга таълим ва тушунтириш ишлари ҳам муҳим, – дейди Баҳром Тўлаганов.

*** Албатта, агар шаҳар ақлли бошқарилса, унда яшаш ҳам, ишлаш ҳам осон бўлади. Шу маънода бугунги ислохотлардан келиб чиқиб айтadиган бўлсак, "ақлли шаҳар" — бу келажак ҳақидаги орзу эмас. Бу бугунги эҳтиёж. Ва бу йўлда Ўзбекистонда амалий ишлар олиб борилмоқда. Келажакни кутиш эмас, уни биргаликда қуриш керак.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.



ЯНГИЛИК

Адлия вазирлиги
ва Марказий
банк томонидан
жамоатчилик
муҳокамасига
қўйилган янги низом
лойиҳасига кўра,
2026 йил 1 апрелдан
бошлаб кўчмас мулк ва
ишлаб чиқарилганига
10 йилдан
ошмаган транспорт
воситаларини олди-
сотди қилишда пул
ҳисоб-китоблари
бутунлай янги
тартибда, яъни фақат
банк орқали ва
нотариус назоратида
амалга оширилади.

МАҚСАД – ФУҚАРОЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТЎЛОВЛАР ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Бошқача айтганда, энди уй-жой ва автомашина харидида пулни қўлдан-қўлга бериш амалиёти бўлмайди. Аввал пул банкда махсус ҳисобда сақланади. Нотариус шартномани тасдиқлаганидан кейин маблағ автоматик равишда сотувчига ўтказилади (одатда шу иш кунида). Хўш, бу нима учун керак? Маълум қилинишича, бу орқали харидор ва сотувчи манфаатлари ҳимоя қилинади. Алдов ва хавф камаяди. Барча жараён электрон, шаффоф тарзда кечади.

НАҚДСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР

Марказий банкка кўра, шунингдек, 1 апрелдан бошлаб айрим турдаги товар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар фақат нақдсиз шаклда амалга оширилади. Қуйидаги йўналишларда тўловлар банк тизими орқали бажарилади:

- кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;
- автомобиль олди-сотдиси;
- давлат хизматлари учун тўловлар;
- электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви хизматлари;
- ёқилғи қуйиш шохобчалари;
- алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари савдоси;
- қиймати 25 миллиондан ортиқ товар ва хизматлар учун тўловлар.

ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

- Агар тўловни аввал нақд пулда режалаштирган бўлсангиз, маблағни қуйидаги тартибда банк тизими орқали амалга оширишингиз мумкин:
- нақд пулни банк филиали кассаси ёки инкасс банкомат орқали банк картангизга тушириш;
 - банк картаси орқали тўлов

терминаллари ёрдамида тўлов қилиш;

- банк мобиль иловаси орқали тўлов ўтказиш;
- банк филиали кассаси орқали расмий банк ўтказмаси қилиш.

Мобиль илова мажбурий эмас. Банк картаси ёки банк филиали орқали ҳам тўловни амалга ошириш мумкин.

Агар сизда банк картаси бўлмаса, банкка мурожаат қилиб, шахсан таширф бўйриб ёки онлайн тарзда карта очишингиз мумкин. Шунингдек, банк филиали орқали ҳисоб очиб, ўтказма шаклида тўлов қилиш имконияти мавжуд.

НЕГА БУ ТАРТИБ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА?

- йирик суммаларда хавфсизликни таъминлаш;
- ҳисоб-китобларни аниқ ва шаффоф юритиш;
- фирибгарлик ва норасмий

айланмалар хавфини камайтириш;

- барча операцияларни расмий қайд этиш орқали ҳуқуқий ҳимояни кучайтириш.

Марказий банк барча фуқароларни тўлов усулларини олдиндан режалаштиришга ва банк орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар имкониятлари билан танишиб чиқишга чақиради. Шунингдек, Марказий банк фуқаролардан илтимос қилади:

- ҳеч кимга паспорт маълумотлари, карта рақами, амал қилиш муддати, ПИН-код ёки SMS-кодларни бермаслик;
- ўзини “банк ходими” деб таништирган номаълум шахсларга ишонмаслик;
- “воситачи” ёки норасмий таклифларга алданмаслик;
- фақат расмий банк филиаллари ва расмий мобиль иловалар орқали мурожаат қилиш.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

МАФТУНКОР МАНЗИЛНИНГ МЎЪЖИЗАКОР МАНЗАРАЛАРИ

Ҳар фаслнинг ўз хислати ва ўз фазилати бор. Хусусияти ва таровати бўлиши табиий. Кумуш қиш оппоқ “либоси” билан ажралиб турса, зумрад баҳор борлиқни уйғотади. Ёзнинг жазирама офтоби-ю олтин кузнинг ноз-неъматларини айтмайсизми?



Сариосиё тумани юртимизнинг ана шундай мафтункор манзиллардан бири ҳисобланади. Ҳудуд серсув чашма ва ажойиб бўлоқлари билан ном қозонган. Кўплаб тарихий обида ва муқаддас қадамжолар бор. Иқлими бетакрорлиги ва фусункорлиги билан ажралиб туради. Халққаро “Қизил китоб”га киритилган фауна ва флора олами вакиллари билан машҳур. Марказий Осиё дурдонаси бўлган “Сангардак” шаршараси ҳам айнан шу гўшада жойлашган. Маҳобатли сув оқими 120 метр баланддан пастликка тушади. Маскан доим одамлар билан гавжум. Тез-тез сайёҳлар таширф бўюради. Ҳатто, аёзли кунларда ҳам ошуфталар келади дилтортар ошиёнга.

– Бу йилги қиш ўзгача бўлди, – дейди “Сангардак” маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Йўлдош Жаҳонгиров. – Тоғларда 2-3 метргача қор тушди. Сой, дара, ўнгир ва қирларни гугурт қути баландликда яхмалак қоплаган. Дарё ва кўллар 10-15 сантиметргача музлаб, ҳаво ҳарорати 10-15 даражагача совиди. Йўллар ойнадек “ялтиллади”.

Шунга монанд шаршарамиз ҳам бетакрор ва мафтункор

кўриниш ҳосил қилган. Ўзига хос “музлик салтанатига” қиёслаш мумкин уни. Турфа рангларда жололанувчи муз сумалаги ҳамда муз пардаларига ҳавасингиз келади. Борлиқнинг моҳир мусаввирлигига ҳар қандай кишининг қойил қолиши шубҳасиз...

– Шода-шода “тизилиб” турган бундай “санъат асарлари”ни истаганча топиш мумкин, – давом этади ҳамроҳимиз Йўлдош ака тепага назар ташлаб. – Ҳов анови – 45-50 метр юқорида “осилиб” турган тўлқинсимон музларни кўраяспизларми? Тахминан 3-4 метр бўлса керак уларнинг ҳар бири. Қучоққа сиғмайдиганлари ҳатто 6-7 метргача боради...

Денгиз сатҳидан қарийб 3 минг 500 метр баландда жойлашган даранинг сир-у синоатларини ҳар нафасда сезиб, ҳар қадамда хис қилдик. Тилсимотлар лол қолдириб, ҳайратимизни оширди. Таассуротлар ҳаяжонга солгани табиий.

Хуш кайфиятда ортга қайтар эканмиз, буларнинг барчаси нафақат гўзаллик, балки фаровонлик рамзи ҳамда тўқинлик кафолати эканлигини яна бир бор англаб етдик.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

“Миллий қўшиқчилик” кафедрасига кафедра мудири (1), профессор(1), доцент (1), катта ўқитувчи (1). “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедрасига кафедра мудири (1), профессор (1). “Кино,телевидение ва радио режиссёрлиги” кафедрасига профессор (1). “Вокал”кафедрасига доцент (1). “Маданият ва санъат менежменти” кафедрасига доцент (1).

“Муסיқали театр санъати” кафедрасига доцент (1).“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедрасига доцент (1). “Чолғу ижрочилиги” кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1). “Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати” кафедрасига катта ўқитувчи (1).“Ўзбек ва жаҳон филологияси” кафедрасига катта ўқитувчи (1).



ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ.

- 1.Ректор номига ариза
- 2.Ишловчининг шахсий варақаси
- 3.Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари
- 4.Паспорт ёки ID нусхаси
- 5.Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда)
- 6.Малака оширилганлиги

тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси
7.Меҳнат дафтарчасининг нусхаси
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент ш.,
Яланғоч даҳаси, 127-“а” уй.
Телефонлар:
71-230-28-02, 71-230-28-11

МУАССИС:



O‘ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

ТАНРИР НАҲ’АТИ:

Ulug‘bek INOYATOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 237. 2712 nusxada bosildi.

Nashr ko‘rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O‘za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:50

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.